



IMV

IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи

2022 йил

I. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ

1.1. Давлат қарзининг жорий ҳолати

Давлат қарзи қолдиғи 2023 йил 1 январь ҳолатига **29,2 млрд. АҚШ долларни** (*шундан, давлат ташқи қарзи – 25,9 млрд. АҚШ долл., давлат ички қарзи – 3,3 млрд. АҚШ долл.*) ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан **36,4** фоизни ташкил этди.

Хусусан, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 2021 йил бошида 39,0 фоиздан (2021 йил якунида – 38,0 фоиз) 2022 йил якунига қадар 36,4 фоизгача пасайди.

Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатлар иқтисодиётига бағишланган ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи бугунги кунда “**мўътадил**” даражада ҳисобланади.

1-жадвал. Давлат қарзи

ўлчов бир. - млрд. АҚШ долл. экв.


Давлат ташқи қарзи	25,9
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	32,25%
Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган ташқи қарз қолдиғи	19,8
Давлат кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз қолдиғи	6,1
Давлат ички қарзи¹	3,3
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	4,1%
Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозлари бўйича қарз қолдиғи (<i>трлн. сўмда</i>)	13,0
Давлат кафолати остида жалб қилинган, давлат бюджетидан қайтариладиган ички қарз қолдиғи	2,16
Давлат қарзи, жами	29,2
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	36,4%

Давлат қарзини макроиқтисодий барқарор даражада сақлаш ва уни самарали бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳамда миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги шароитларида республика иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсишининг таъминланиши натижасида 2021 йилдан бошлаб **давлат қарзининг ЯИМга нисбати барқарорлашиши** кузатилмоқда.

¹ Давлат ички қарзи қолдиғи таркибида давлат қимматли қоғозлари, давлат томонидан кафолатланган ички қарз ҳамда давлат бюджетидан қайтариладиган ички мажбуриятлар қолдиғи акс эттирилган.

1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси²

Давлат қарзининг хавфсиз даражаси (ЯИМга нисбатан 60 фоиз)



Хусусан, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 2022 йил бошида 38,0 фоиздан 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **36,4 фоизгача** пасайди.

Давлат қарзи 2022 йил давомида **2,9 млрд. долл.га** ошган бўлсада, АҚШ доллари ҳисобида **ялпи ички маҳсулот тез суръатларда, яъни 11,1 млрд. долл.га ўсганлиги туфайли давлат қарзининг ЯИМга нисбати пасайган.**

Сўнги йилларда давлат қарзини мўътадил даражада сақлаш ва самарали бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳозирда ўз самарасини бермоқда.

Хусусан:

- 2020 йилдан бошлаб **янги жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи миқдорларини қонуний чегаралаш амалиёти йўлга қўйилди.** Шундан:

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг **“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни** билан 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми **5,5 млрд. АҚШ доллари** миқдорига белгиланди.

2020 йилнинг якунига кўра имзоланган янги давлат ташқи қарз битимларининг ҳажми 5,35 млрд. АҚШ долларни ташкил этди.

2021 йилдан бошлаб, **давлат қарзининг хавфсиз даражасини ҳамда янги жалб қилинадиган давлат ички ва ташқи қарз битимларига нисбатан ҳам чегараларини қонун даражасида белгилаш йўлга қўйилди.**

² Давлат қарзи бўйича статистик маълумотлар халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари тақдим этадиган маълумотлар асосида аниқлаштириб борилади.

❖ **Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:**

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан **60 фоиздан** ошмаслиги;

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида **ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш** бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми **5,5 млрд. АҚШ доллари** (*шу жумладан, давлат қимматли қоғозлари — 5 трлн. сўм*) миқдорида белгиланди.

2021 йил давомида янги имзоланган давлат ташқи қарз битимларининг ҳажми 4,9 млрд. АҚШ долларини ҳамда Давлат бюджетини молиялаштириш учун чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг соф ҳажми 4,1 трлн. сўмни ташкил этди.

❖ **Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан 2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4,5 млрд. АҚШ доллари** миқдорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 12,0 трлн сўм миқдорида белгиланди.

2022 йил давомида умумий қиймати 4,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 23 та (шундан, давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш – 2,5 млрд. АҚШ доллари) янги давлат ташқи қарз битимлари имзоланди ҳамда Давлат бюджетини молиялаштириш учун соф ҳажми 12,0 трлн. сўм бўлган давлат қимматли қоғозлари чиқарилди.

❖ **Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:**


2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми **4,5 млрд АҚШ доллари** миқдорида;

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 17,0 трлн сўм миқдорида белгиланди.

- 2021 йилдан ички мажбуриятлар бўйича давлат кафолатларини бериш амалиёти тўхтатилди ҳамда давлат корхоналари ва банклари ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун, трансформация жараёнларига мувофиқ, жаҳон молия бозорларида **давлат кафолатисиз** маблағ жалб қилишга ўтказилмоқда.

2-расм. Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида имзоланган ташқи қарз битимлари ҳажми

(01.01.2023 й. ҳолатига)



Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида имзоланган ташқи қарз битимлари

3-расм. Ички мажбуриятлар бўйича берилган давлат кафолатлари ҳажми



Хусусан, давлат корхоналари ва банклари томонидан халқаро меъёрлар ва талаблар асосида ўз молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини таъминлаш, “Fitch”, “S&P” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда халқаро кредит рейтингини олиниши натижасида 2019-2021 йилларда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзмиллийбанк” АЖ, “Ипотека-банк” АТИБ, “УзАвто Моторс” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан умумий ҳажми қарийб **2 млрд.** АҚШ долларлик маблағлар халқаро облигациялар чиқариш орқали жаҳон бозоридан жалб қилинди.

- Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат қарзи тўғрисида**”ги қонуни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди.

- Давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ва валюта хатарини пасайтириш мақсадида давлат қарзини хорижий валютадаги улушини босқичма-босқич пасайтириш учун миллий валютадаги халқаро облигациялар чиқариш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, 2020-2021 йилларда миллий валютада 4,5 трлн. сўмлик суверен халқаро облигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилди;

2022 йилда дунё бўйлаб юз берган геосиёсий вазиятнинг халқаро молия бозорларига таъсири туфайли суверен халқаро облигациялар чиқарилмади.

Ички молия бозорини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳажми 2018 йилдаги **597 млрд** сўмдан 2022 йилда **13,6 трлн.** сўмга етказилди (*2022 йилда чиқарилган соф ДҚҚ ҳажми 12,0 трлн. сўм*) ҳамда давлат қимматли қоғозларининг муомала даври 10 йилгача узайтирилди.

“Истеъмом нархлари индекси (*ИНИ*)+6 фоиз”га тенг купон тўлови билан **111 млрд.** сўм ҳажмдаги **инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозлари** жойлаштирилди ва инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозлари учун илк бенчмарк яратилди.

- Давлат қарзи ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш ҳамда қарз статистикаси шаффофлигини ошириш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

Давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизимида (*DMFAS-6 дастурий мажмуаси*) давлат ташқи қарзи тўғрисидаги маълумотлар автоматлаштирилди;

Давлат қарзи ҳолати ва динамикасининг чораклик шарҳи (*давлат тили ва инглиз тилида*) ва хорижий инвесторлар учун махсус ойлик ахборотнома (*инглиз тилида*) Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши ва хорижий инвесторларга юборилиши таъминланмоқда.

1.2. Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида имзоланган давлат қарзи битимлари

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-73-сонли Қонунига мувофиқ 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси (*Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати*) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланган эди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан умумий қиймати **4 486,0 млн.** АҚШ доллар миқдоридаги 23 та ташқи қарз битими имзоланган (*илова 2*).

Мазкур маблағлар энергетика, аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация билан таъминлаш, автомобил йўлларни ривожлантириш, темир йўл ва бошқа муҳим ижтимоий ва стратегик аҳамият касб этувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун нуфузли халқаро молия институтлари (*Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки*) имтиёзли шартлардаги узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан жалб қилинди.

2021-2022 йиллар давомида ички мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолати тақдим қилинмади.

2022 йилда ўтказилган 81 та электрон аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг умумий миқдори 13,6 трлн. сўмни, шундан давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун чиқарилган давлат қимматли қоғозлари (*кейинги ўринларда – ДҚҚ*) соф ҳажми 11 994 млрд. сўмни ташкил этди.

II. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ ТАРКИБИ ВА ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДАГИ ТАҚСИМОТИ

2.1. Давлат ички қарзи³

Давлат ички қарзи қолдиғи 2022 йилда **599,4 млн. АҚШ долларга** кўпайиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **3,3 млрд. АҚШ долларни** (2021 йил якунида 2 729,1 млн. АҚШ доллари) ёки ЯИМга нисбатан **4,1 фоизни** ташкил этди.


Шундан:

- Давлат қимматли қоғозлари – 13,0 трлн. сўм;
- Давлат кафолатлаган ва ички мажбуриятлар бўйича давлат бюджетидан қайтариладиган қарз – 2,16 млрд. АҚШ доллар.

2.1.1. Давлат қимматли қоғозлари

2022 йилда ДҚҚ аукционлари ўтказиш графигига мувофиқ 81 та электрон аукцион савдоларини ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси номидан 13,6 трлн. сўмлик (шундан, соф чиқарилган ДҚҚ – 11 994 млрд. сўм) давлат қимматли қоғозлари эмиссия қилинди.

4-расм. 2018-2022 йиллар давомида жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари



Шундан:

- муомала даври 6 ой бўлган ДҚҚ – 5 937 млрд. сўм;
- муомала даври 1-3 йил бўлган ДҚҚ – 6 431 млрд. сўм;
- муомала даври 5-10 йил бўлган ДҚҚ – 1 260,0 млрд. сўм.


³ Давлат ички қарзи қолдиғи таркибида давлат қимматли қоғозлари, давлат томонидан кафолатланган ички қарз ҳамда давлат бюджетидан қайтариладиган ички мажбуриятлар қолдиғи акс эттирилган.

Ўрта ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозларининг эмиссия қилиниши миллий валютадаги паст хатарли инструментларни чиқариш орқали маблағларни жалб қилиш бенчмарки бўлиб хизмат қилади, молиявий инструментларни диверсификациялаш ҳамда молия бозорига янги иштирокчиларни (*суғурта компаниялари ва бошқалар*) жалб этиш учун замин яратади.

Қайд этиш жоизки, Молия вазирлиги томонидан давлат қарзи портфелини диверсификациялаш ва валюта хатарларини пасайтириш мақсадида давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми оширилмоқда ва ички молия бозорларини ривожлантириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда.

2022 йилда муомала даври 3-6 ой бўлган 3 154,5 млрд. сўм, муомала даври 1-3 йиллик бўлган 2 176,7 млрд. сўм қийматидаги давлат қимматли қоғозлари сўндирилди. Натижада, 2023 йил 1 январь ҳолатига қарздорлик қолдиғи 13,0 трлн.сўмни ташкил қилди.

5-расм. Давлат қимматли қоғозларининг сўндириш муддати бўйича таркиби (01.01.2023 й. ҳолатига)



ДҚҚ бозорини ривожлантириш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар:

ДҚҚ бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида 2022 йил 25 январь куни илк марта **10 йиллик** давлат қимматли қоғозлари **10 млрд. сўм** ҳажмда **15% йиллик купон тўлови** билан муомалага чиқарилди;

2022 йил давомида умумий ҳажми 310,0 млрд.сўмлик муомала даври 10 йил бўлган давлат қимматли қоғозлари жойлаштирилди. Ушбу давлат қимматли қоғозларининг фоиз купон тўлови ўртача йиллик 17,3 фоизни ташкил этди.

2022 йилнинг 19 июль куни илк бор муомала даври 2 йил бўлган “**Истеъмом нархлари индекси (ИНИ)+6 фоиз**”га тенг купон тўлови билан **111 млрд. сўм** ҳажмдаги **инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозлари** жойлаштирилди ва инфляцияга боғланган давлат қимматли қоғозлари учун илк бенчмарк яратилди.

2022 йил 3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган II халқаро иқтисодий форум давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва 9 та тижорат банклари (*Ўзбекистон Миллий банки, Ипотека банк, Халқ банки, Саноат қурилиш банки, Қишлоқ қурилиш банки, Асака банк, Азия Альянс банк, Ипак йўли банк, Турон банк*) ўртасида халқаро стандартларга асосланган “Бирламчи дилерлик” шартномаси имзоланди.

Хусусан, 2022 йилнинг 29 ноябрь куни **илк марта Бирламчи дилерлар ўртасида** 560 млрд. сўм қийматидаги ДҚҚлар жойлаштирилган бўлса, йил якунига қадар жойлаштирилган ДҚҚлар ҳажми 2 234 млрд. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 82-сонли Қарори тасдиқланди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси **резидентлари** (*шу жумладан, жисмоний шахслар*) ва **норезидентлари** томонидан давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди.

2022 йил 1 ноябрь куни илк бор Ўзбекистон республика валюта биржаси (*ЎзРВБ*) аукцион савдоларида хорижий инвестор (*Европа тикланиш ва тараққиёт банки*) томонидан “Асака банк” АЖ дилерлигида ДҚҚни сотиб олиш бўйича битимлар тузилди.

- даромадлилик ва фоизларни ҳисоблашда Халқаро капитал бозорлари халқаро ассоциацияси (*ICMA*) томонидан қўлланиладиган формулалардан фойдаланиш мумкинлиги белгиланмоқда;

- аукцион натижалари бўйича ҳисоб-китоблар **T + 0, T + 1 ва T + 2** халқаро стандартлари асосида амалга оширилиши белгилаб берилмоқда;

- халқаро идентификация кодларини (*ISIN*) бериш орқали ДҚҚни чиқариш имконияти яратилмоқда;

- ДҚҚ бўйича фоиз тўловларини тўлаш халқаро стандартларга мос **ҳар олти ойда** амалга оширилмоқда;

- ДҚҚ бозоридаги операциялар тўғрисидаги **ахборотлар** (*аукцион ўтказиш бўйича эълонлар, аукцион натижалари ва инвесторлар учун зарурий маълумотлар*) мунтазам равишда Молия вазирлиги, Марказий банк ва ЎзРВБнинг расмий **веб-сайтларида** эълон қилиб келинмоқда.

Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ДҚҚ бозорини халқаро стандартларга мослаштириб, уни самарали бошқариш ҳамда халқаро инвесторларни ички молия бозорига жалб қилишга хизмат қилади.

2.2. Давлат ташқи қарзи

Давлат ташқи қарзи қолдиғи 2022 йилда 2,4 млрд. АҚШ долларга ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **25,9 млрд.** АҚШ долларни ёки ЯИМга нисбатан **32,25 фоизни** ташкил этди. Шундан:

Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган ташқи қарз – **19,8 млрд.** АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 76,5 фоизини;

Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз – **6,1 млрд.** АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 23,5 фоизини ташкил этди.

2.2.1. Давлат ташқи қарзининг тармоқлар кесимида тақсимооти

2022 йил якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 33,4 фоизи ёки **8,6 млрд.** АҚШ доллари давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга, 11,6 фоизи ёки **3,0 млрд.** АҚШ доллари электроэнергетика саноатига, 10,9 фоизи ёки **2,84 млрд.** АҚШ доллари энергетика саноатига, 9,8 фоизи ёки **2,54 млрд.** АҚШ доллари қишлоқ ва сув хўжалигига, 9,7 фоизи ёки **2,51 млрд.** АҚШ доллари транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 8,9 фоизи ёки **2,3 млрд.** АҚШ доллари уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларига йўналтирилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади.

2-жадвал. Давлат ташқи қарзининг иқтисодиёт тармоқлари кесимида тақсимланиши (01.01.2023 й. ҳолатига)

ўлчов бир. - млрд. АҚШ долл. экв.

Соҳа	Сумма
Бюджетни қўллаб-қувватлаш	8,6
Электроэнергетика саноати	3,0
Энергетика саноати	2,84
Қишлоқ ва сув хўжалиги	2,54
Транспорт ва транспорт инфратузилмаси	2,51
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш	2,3
Тадбиркорлик фаолияти ва саноат ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш	1,1
Кимё саноати	1,0
Таълим ва соғлиқни сақлаш	0,9
Ахборот ва коммуникация технологиялари	0,2
Бошқалар	0,91

2.2.2. Давлат ташқи қарзининг кредиторлар кесимида тақсимланиши

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий институтлардан (ХМИ) жалб қилган ташқи қарз портфели ҳажми **13,8 млрд.** АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг **53,2** фоизини ташкил этиб, мазкур кредитлар узоқ муддат ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган.

Халқаро молия институтларидан жалб қилинган давлат ташқи қарзи қолдиғининг асосий қисми Осиё тараққиёт банки (**6,0 млрд. АҚШ доллари**), Жаҳон банки (**5,5 млрд. АҚШ доллари**), Ислон тараққиёт банки (**0,9 млрд. АҚШ доллари**) ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (**0,5 млрд. АҚШ доллари**) ҳиссасига тўғри келади.

Қайд этиш керакки, давлат ташқи қарзининг манбалари диверсификацияси таъминланган бўлиб, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (ХХМТ) ҳиссасига давлат ташқи қарзи қолдиғининг **9,5 млрд.** АҚШ доллари ёки **36,8** фоизи тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий кредиторлари Хитой эксимбанки, Хитой давлат тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқа мамлакатларнинг хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келиб, асосан турли инвестицион дастурларни давлат кафолатлари остида молиялаштирилиши учун қарз маблағлари жалб этилган.

3-жадвал. Давлат ташқи қарзининг кредиторлар кесимида тақсимланиши (01.01.2023 й. ҳолатига)

ўлчов бир. - млрд. АҚШ долл. экв.

ХМИ/ХХМТ	Сумма
Осиё тараққиёт банки	6,0
Жаҳон банки	5,5
Халқаро инвесторлар	2,6
Хитой давлат тараққиёт банки ва бошқалар	2,1
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	1,9
Хитой эксимбанки	1,9
Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси ва бошқалар	1,0
Ислон тараққиёт банки	0,9
Франция тараққиёт агентлиги ва бошқалар	0,7
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	0,5
Япония халқаро ҳамкорлик банки	0,4
Бошқа халқаро молиявий ташкилотлар	2,4

Кредиторлар олдидаги қарздорлик бўйича харажатлар давлат корхоналари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш натижасида тушган маблағлар ҳисобидан сўндирилади.

2.2.3. Давлат ташқи қарзининг валюта таркиби

Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзи портфели валюта таркибининг 75,7 фоизи – АҚШ доллари, 8,1 фоизи - Япония иенаси, 7,2 фоизи – СДР (*махсус қарз олиш ҳуқуқлари*), 4,8 фоизи – Евро, 1,6 фоизи – Ўзбек сўми, 2,6 фоизи - бошқа валюталардаги ташқи қарз ҳиссасига тўғри келади.

4-жадвал. Давлат ташқи қарзининг валюта таркиби (01.01.2023 й. ҳолатига)


Валюта	Фоиз
АҚШ доллари	75,7
Япония иенаси	8,1
СДР	7,2
Евро	4,8
Ўзбек сўми	1,6
Хитой юани	0,8
Корея Республикаси вони	0,67
Саудия Арабистони риали	0,6
Қувайт динори	0,4
Ислон динори	0,1
БАА дирҳами	0,03

2.2.4. Суверен халқаро облигациялари

Ўзбекистон Республикаси томонидан суверен халқаро облигацияларини, айниқса миллий валютадаги суверен халқаро облигацияларини халқаро молия бозорларида жойлаштирилиши мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга.

Халқаро молия бозорларида жойлаштирилган суверен халқаро облигацияларининг нархлари ва даромадлилиги қуйида келтирилган.

6-расм. Халқаро облигацияларнинг номинал қийматига нисбатан нархлари



Қуйида 2023 йилнинг 25 февраль ҳолатига суверен халқаро облигацияларининг нархлари келтирилган⁴:

АҚШ долларларида:


- сўндириш муддати 20/02/2024: 97,50%;
- сўндириш муддати 20/02/2029: 92,03%;
- сўндириш муддати 25/11/2030: 80,97%;
- сўндириш муддати 19/10/2031: 80,10%.

Миллий валюта сўмда:

- сўндириш муддати 25/11/2023: 97,27%;
- сўндириш муддати 19/07/2024: 96,14%.

⁴ Манба: Bloomberg

7-расм. Халқаро облигацияларнинг даромадлиги



Қуйида 2023 йилнинг 25 февраль ҳолатига суверен халқаро облигацияларнинг даромадлиги келтирилган⁴:

АҚШ долларарида:

- сўндириш муддати 20/02/2024: 7,28%;
- сўндириш муддати 20/02/2029: 7,03%;
- сўндириш муддати 25/11/2030: 6,92%;
- сўндириш муддати 19/10/2031: 6,99%.

Миллий валюта сўмда:

- сўндириш муддати 25/11/2023: 18,51%;
- сўндириш муддати 19/07/2024: 17,04%.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг суверен халқаро облигацияларининг, айниқса, миллий валютадаги суверен халқаро облигацияларининг халқаро молия бозорларида жойлаштирилиши қуйидагиларга хизмат қилмоқда:

- мамлакатимизнинг **иқтисодий салоҳиятини** халқаро инвесторларга батафсил намойиш этиш, хорижий инвесторлар учун республикамизга инвестиция киритишда **суверен рискин**и тўғри баҳолаш имкониятини яратиш;

- суверен халқаро облигацияларининг иккиламчи бозордаги котировкаси **барқарор иқтисодий сиёсат юритиш барометри** вазифасини яратиш;

- ташқи молиялаштириш манбаларини **диверсификация** қилиш;
- республиканинг тижорат банклари ва ташкилотлари учун **“бенчмарк”** бўлиб ва уларнинг йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилишига ва тадбиркорликни ривожлантирилишига имкон яратиш.

Миллий валютадаги халқаро облигациялар

- 2020 йилнинг 19 ноябрь куни илк бора Ўзбекистон Республикасининг **2 трлн. сўм миқдорида** миллий валютадаги халқаро суверен облигациялари халқаро бозорга жойлаштирилди. Ушбу транзакция ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг БМТ томонидан белгиланган **“Барқарор ривожланиш мақсадлари”га (БРМ)** таъсири JP Morgan Development Finance Institution томонидан юқори баҳоланди ва транзакция **“ривожланишни молиялаштириш облигацияси”** мақомини олди.

- 2021 йил 12 июль куни илк бора Ўзбекистон Республикасининг **“Барқарор ривожланиш мақсадлари”га (БРМ)** эришишга йўналтирилган **2,5 трлн. сўм** миқдорида миллий валютадаги халқаро суверен облигациялари халқаро молия бозорига жойлаштирилди. Ушбу транзакция МДХ минтақаси мамлакати томонидан чиқарилган биринчи БРМ облигациялари ҳисобланади.

- Миллий валютадаги халқаро облигациялардан тушган маблағларни БМТ билан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг БРМни молиялаштиришга тўғри йўналтириш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг БРМ облигациялари дастури** БМТ Тараққиёт дастури ташкилоти ва **“Citigroup Global Markets Limited”** инвестицион банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

- Дастур **Халқаро капитал бозорлари халқаро ассоциацияси (ICMA)** томонидан 2021 йил июнь ойида нашр этилган **Яшил облигация тамойиллари (Green Bond Principles)**, **Ижтимоий облигация тамойиллари (Social Bond Principles)** ва **Барқарорлик облигациялари йўриқномалари (Sustainability Bond Guidelines)** билан мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилди.

- БРМ облигациялари дастурини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад жорий ва келгуси йилларда БРМ облигацияларини чиқариш учун замин яратиш ҳамда Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар **“Барқарор ривожланиш мақсадларига”** эришишини таъминлаш билан биргаликда қарз маблағлардан фойдаланишда **шаффофлик** ва **ҳисобдорликни** ошириш ҳамда тараққиётга таъсирини баҳолашдан иборатдир.

- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан илк мартаба миллий валютадаги халқаро суверен облигациялар бўйича **“Маблағларнинг тақсимланиши”** ва **“Лойиҳаларнинг БРМга таъсири”** ҳисоботи эълон қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг экспертлари билан ҳамкорликда 2021 йилнинг июль ойида жойлаштирилган миллий валютадаги БРМ облигациялари бўйича **“Маблағларнинг тақсимланиши”** ва **“Лойиҳаларнинг БРМга таъсири”** ҳисоботи тайёрланди. Шунингдек, ушбу ҳисоботлар БРМ облигациялари дастурида белгиланган мезонлар асосида тайёрланганлиги тўғрисида **“Sustainalytics UK Limited”** компаниясининг **мустақил хулосаси** (*Review Report*) олинди.

2.2.5. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари

2022 йил давомида **давлат қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатлари** (давлат бюджетидан – **1 196,5 млн. АҚШ доллари** ва давлат корхоналари маблағларидан – **1 296,6 млн. АҚШ доллари**) **2 493,2 млн АҚШ долларини** ташкил этди. Шундан:

давлат ташқи қарз тўловлари – 1 615,7 млн. АҚШ доллари:

асосий қарз тўловлари – **1 033,6 млн. АҚШ доллари;**

фоиз тўловлари – **582,1 млн. АҚШ доллари;**

давлат ички қарз тўловлари – 877,4 млн. АҚШ доллари:

асосий қарз тўловлари – **731,7 млн. АҚШ доллари;**

фоиз тўловлари – **145,7 млн. АҚШ доллари.**

Мазкур даврда **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари **1 196,5 млн. АҚШ долларини** ташкил этди. Шундан:

давлат ташқи қарз тўловлари – 636,77 млн. АҚШ доллари:

асосий қарз тўловлари – **365,33 млн. АҚШ доллари;**


фоиз тўловлари – **271,44 млн. АҚШ доллари.**

давлат ички қарз тўловлари – 6,2 трлн. сўм (559,7 млн. АҚШ долл.эқв) шундан, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш харажатлари – **5,1 трлн. сўм:**

асосий қарз тўловлари – **5,7 трлн. сўм;**


фоиз тўловлари – **523,4 млрд. сўм.**

8-расм. Давлат ташқи қарзига жами хизмат кўрсатиш харажатлари⁵




9-расм. Давлат ташқи қарзи бўйича асосий кўрсаткичлар⁵

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатларининг экспортга нисбати, фоизда



Давлат ташқи қарзининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларига нисбати, фоизда



⁵ Барча манбалардан (давлат бюджети ва корхоналар ҳисобидан) давлат қарзига жами хизмат кўрсатиш харажатлари асосий қарз ва фоиз тўловларини ўз ичига олади.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВЕРЕН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ПОЗИЦИЯСИ

3.1. “Fitch Ratings” халқаро агентлиги билан ҳамкорлик

2022 йилнинг 9 сентябрь куни “**Fitch Rating**” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтинги бўйича навбатдаги ҳисоботини чоп этди. Ҳисоботга кўра, мамлакатимиз суверен кредит рейтингининг баҳоси **BB-** (*барқарор кутилма*) даражада тасдиқланди.

Ҳисоботда таъкидланишича, мамлакатимизнинг **мустаҳкам ташқи ва фискал захиралари, мўътадил давлат қарзи даражаси** ва “BB” рейтингига эга мамлакатларга нисбатан **юқори ўсиш суръатлари** республика суверен кредит рейтингини қўллаб-қувватловчи омиллардан ҳисобланади.

Шу ўринда, мамлакатнинг хом-ашё товарларига боғлиқлиги, институционал ва бошқарув сифати даражаларининг сустиги, юқори инфляция даражаси, ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотининг (*ЯИМ*) пастлиги **республика кредит рейтингини чекловчи омиллар** сифатида келтирилган.

“Fitch”нинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг **суверен кредит рейтинги ва кутилмаси** қуйидаги ҳолларда **оширилиши мумкин:**

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаган ҳолда юқори иқтисодий ўсишга эришилганда ва аҳоли жон бошига ЯИМ миқдорининг “BB” рейтингига эга давлатлар билан фарқи камайганда;

- “қонун устуворлиги”, “аҳоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик”, “тартибга солиш сифати” ва “коррупцияни назорат қилиш” каби бошқарув стандартлари сезиларли яхшиланганда;

- фискал ва ташқи захиралар сезиларли ошганда.

Ўзбекистоннинг **суверен кредит рейтинги қуйидаги ҳолларда пасайтирилиши мумкин:**

- ташқи молиявий кўрсаткичлар ёмонлашганда, **пул ўтказмаларининг доимий камайиши**, ташқи **савдо дефицитининг ошиши** сабабли жорий операциялар ҳисоби манфий сальдосининг ортиши, халқаро захираларнинг сезиларли даражада камайиши ёки ташқи мажбуриятларнинг тез ошиши;

- **иқтисодий ўсиш суръатининг давомий секинлашиши**, давлат шартли мажбуриятларининг давлат томонидан қопланиши туфайли **давлат қарзининг ЯИМга нисбати кескин ошиши ёки суверен фискал буферларнинг камайиши.**

3.2. “S&P Global Ratings” халқаро агентлиги билан ҳамкорлик

2022 йилнинг 2 декабрь кунда эълон қилинган “S&P” халқаро рейтинг агентлигининг Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингига бағишланган навбатдаги ҳисоботида республика рейтинг баҳоси “BB-” (*барқарор кутилма*) даражада ўзгаришсиз тасдиқланди.

Қайд этиш лозимки, 2022 йил бошидан агентлик томонидан 22 та мамлакатнинг рейтинг баҳоси ёки рейтинг кутилмаси пасайтирилган.

“S&P” рейтинг агентлиги ҳисоботида келтирилишича, Ўзбекистоннинг **глобал иқтисодиётга интеграциялашуви ва иқтисодий ислохотлар** натижасида иқтисодий ўсиш салоҳиятининг яхшиланиши ва экспорт тушумлари ҳамда бюджет даромадларининг диверсификацияси республика **кредит рейтингини оширувчи омил** бўлиши мумкин.

Республика **кредит рейтингини пасайтирувчи омиллар** сифатида қуйидагилар қайд этилган:

- 2022 йилдан кейинги даврда ташқи савдо ва пул ўтказмалари пасайиши сабабли агентлик кутилмаларига нисбатан **Ўзбекистоннинг фискал ва ташқи захиралари заифлашса**;

- давлат ва молия секторининг ташқи қарзлари ўсиш суръатларининг мўътадил даражада сақланиши бўйича агентлик кутилмаларидан фарқли ўлароқ, **мазкур қарзлар тез суръатлар билан ўсишда давом этса**;

- йирик давлат корхоналари молиявий ҳолатининг заифлашуви натижасида **давлат шартли мажбуриятлари амалга ошса** (*яъни, ҳукумат давлат корхоналарининг қарзларини тўлашни бошласа*).

3.3. “Moody’s” халқаро агентлиги билан ҳамкорлик

2023 йилнинг 20 январь куни “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикасига бағишланган навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимизнинг **кредит рейтинг баҳоси “В1” (ижобий кутилма)дан бир поғона юқорига “В3” (барқарор кутилма)га оширилди.**

Қайд этиш жоизки, 2022 йил давомида “Moody’s” томонидан 36 та мамлакатнинг рейтинг баҳоси ёки рейтинг кутилмаси пасайтирилган.

Агентлик Ўзбекистон **рейтинги баҳосининг оширилиши** бўйича қарорини қуйидагилар билан изоҳлаган:

- Ўзбекистон томонидан 2017-2021 йилларда **муҳим ислоҳотларнинг амалга оширилгани, эркин бозор** томон дадил қадам ташлангани, муҳим қонунлар (*Давлат харидлари ва Давлат қарзи қонунлари, Меҳнат кодекси*) ишлаб чиқилгани ва қабул қилинаётгани, нархларни эркинлаштириш давом этаётгани;

- 2020-2022 йиллардаги ташқи шокларга қарамай, Ўзбекистоннинг **иқтисодий ўсиш** суръатлари юқорилиги ҳамда **фискал** (*мўътадил давлат қарзи*) ва **ташқи сектор** (*халқаро захиралар*) кўрсаткичлари мустаҳкам даражада сақлангани натижасида **иқтисодиётнинг барқарорлиги** ва сиёсат юритиш самарадорлигининг яхшилангани;

- 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт Стратегиясига кўра, йирик давлат корхоналари акцияларини бирламчи жойлаштирилиши (*IPO*) ва давлат корхоналари ва банклари хусусийлаштирилишининг **Ўзбекистон корхоналари унумдорлиги ва рақобатбардошлигини яхшилаши** бўйича агентликнинг кутилмаси;

- **Марказий банкнинг инқироз даврида тезкор чоралар кўргани** (*асосий фоиз ставкасининг 17 фоизга оширилгани*), миллий валюта алмашув курсининг инқироз даврида барқарор экани, инфляциянинг пасайиш кутилмалари;

- Ички молия бозорининг, хусусан **давлат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланаётгани** (*5-10 йиллик ва 2 йиллик инфляцияга боғланган облигацияларнинг чиқарилгани*), чет эл инвесторларининг ички молия бозорига жалб қилиш бўйича фаол ишларнинг амалга оширилаётгани;

- Фискал сиёсатдаги ютуқлар, жумладан **давлат қарзининг ЯИМга нисбатан 60 фоизлик юқори чегараси, янги жалб қилинадиган давлат қарзига йиллик лимитлар белгиланиши**, фискал статистикаси шаффофлигининг ортгани;

- Ташқи шок туфайли юзага келган **салбий оқибатларни камайтириш учун кўрилган мақсадли чоралар**, жумладан, импорт қилинадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун нол божхона ставкаси, пенсия ва иш ҳақи оширилгани, бир марталик ёрдам берилгани ва б.

Агентликка кўра, 2023 йилда Ўзбекистоннинг **иқтисодий ўсиши 5,0 фоизни** ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

“Moody’s” ҳисоботида **республика кредит рейтингини оширувчи омиллар** сифатида қуйидагилар санаб ўтилган:

- Давлатнинг фискал ҳолатига путур етказмасдан иқтисодиёт ва молия секторида **мустаҳкам рақобат муҳитининг яратилишига** қаратилган мураккаб ислоҳотлар амалга оширилса;

- Фискал дефицитини молиялаштириш учун **ички имкониятларни сафарбар этиш**, миллий валютада қарз жалб қилишнинг ривожлантирилиши орқали дефицитни молиялаштириш учун давлат ташқи қарзига боғлиқлик камайтирилса.

Республика **кредит рейтингини пасайтирувчи омиллар** сифатида қуйидагилар қайд этилган:

- Агентлик кутилмаларига нисбатан **жорий ташқи шокнинг реал иқтисодий ўсиш суръатларини** доимий равишда секинлаштириши ва фискал кўрсаткичларни заифлаштириши натижасида **макроиқтисодий барқарорлик билан боғлиқ хатарлар ортса;**

- Жорий операциялар ҳисоби дефицитининг ортиши ҳамда хорижий инвестицияларнинг мутаносиб равишда ошмаслиги **мамлакат ташқи позициясига хавф солса.**

Иловалар

1-илова

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси

млрд. АҚШ долл. экв.

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
<u>Давлат қарзи, жами</u>	<u>11,5</u>	<u>14,9</u>	<u>17,8</u>	<u>23,4</u>	<u>26,3</u>	<u>29,2</u>
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	18,7%	28,3%	29,7%	39,0%	38,0%	36,4%
Давлат <u>ташқи</u> қарзи	<u>7,6</u>	<u>9,9</u>	<u>15,7</u>	<u>21,1</u>	<u>23,6</u>	<u>25,9</u>
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	12,2%	18,8%	26,2%	35,2%	34,0%	32,25%
Давлат <u>ички</u> қарзи	<u>4,0</u>	<u>5,0</u>	<u>2,1</u>	<u>2,3</u>	<u>2,7</u>	<u>3,3</u>
<i>ЯИМга нисбатан фоизда</i>	6,5%	9,5%	3,5%	3,8%	4,0%	4,1%

*Дастлабки ҳисоб-китоблар

**Давлат қарзи валюта таркиби тўғрисида
МАЪЛУМОТ***(2023 йил 1 январь ҳолатига)*

Т/р	Кредит валютаси	Улуши (%)
1	АҚШ доллари	71,2%
2	Ўзбек сўми	7,7%
3	Япония иенаси	7,2%
4	СДР	6,4%
5	Евро	4,5%
6	Хитой юани	1,4%
7	Корея Республикаси вони	0,6%
8	Саудия Арабистони реали	0,5%
9	Қувайт динори	0,4%
10	Ислон динори	0,1%
11	БАА дирхами	0,03%
	ЖАМИ	100,00%

2022 йилда имзоланган давлат ташқи қарзи битимлари⁶

(01.01.2023 й. ҳолатига)

№	Халқаро молиявий институтлар	Лойиҳа номи	Битим қиймати	Қарз фоиз ставкаси	Сўндириш муддати	Ташаббускор, ижрочи
1	ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси	Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги ривожланиш сиёсатини жадаллаштириш	100,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 2,30%	20 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2	Франция тараққиёт агентлиги	Яшил иқтисодиётга ўтиш	150,0 млн. Евро	6 ойлик Euribor + 0,90%	20 йил (6 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
3	Осиё тараққиёт банки	Фаол контрцикл харажатлар ёрдамида барқарорликни ошириш	500,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик Euribor + 0,75%	7 йил (3 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
4	Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси	“Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги учун "Mugabaha" молиялаштириш”	50,0 млн. АҚШ доллари	SOFR + тўғрилаш ставкаси + 1,4%	1 йил	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
			50,0 млн. АҚШ доллари	Мид своп + тўғрилаш ставкаси + 1,65%	2 йил	
5	Осиё тараққиёт банки	Ўзбекистонда ипотека бозори секторини ривожлантириш дастури (қўшимча молиялаштириш)	150,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 0,7%	20 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6	Жаҳон банки	Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий трансформацион ривожланиш сиёсатини илгари суриш	350,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгарувчан спред	18 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
			250,0 млн. АҚШ доллари	2,0% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	
			220,0 млн. АҚШ доллари	фоизсиз	12 йил (6 йиллик имтиёзли давр)	

⁶ Мазкур қарз битимларининг ўзлаштирилган қисми давлат қарзи ҳисобига олинади.

			130,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгарувчан спред	34 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	
7	Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий трансформацион ривожланиш сиёсатини илгари суриш	530,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгарувчан спред	20 йил (3 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
8	Франция тараққиёт агентлиги	“Навоий вилояти Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш” ҳамда	24,7 млн. евро	6 ойлик Euribor + 0,90%	20 йил (6 йиллик имтиёзли давр)	"Ўзсувтаъминот" АЖ
		“Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб тумани марказида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш”	80,3 млн. евро	6 ойлик Euribor + 0,90%	20 йил (6 йиллик имтиёзли давр)	
9	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	Қорақалпоғистон Республикасида қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва рекультивация қилиш	70,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 0,41% + 1,0%	18 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Экология қўмитаси
10	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	Хоразм вилоятида қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва рекультивация қилиш	50,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 0,41% + 1,0%	18 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Экология қўмитаси
11	Жаҳон банки	Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш	380,0 млн. АҚШ доллари	1.25% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Энергетика вазирлиги
			43,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 1.05%	40 йил (10 йиллик имтиёзли давр)	
12	Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	Бухоро-Мискен-Ургенч-Хива темир йўлининг 465 км қисмини электрлаштириш	108,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгарувчан спред	25 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ
13	Осиё тараққиёт банки	Миллий автомобиль йўлларини ривожлантириш	273,85 млн. АҚШ доллари	SOFR + 0,5% йиллик	24 йил (4 йиллик имтиёзли давр)	Автомобиль йўллари қўмитаси
14	Жаҳон банки	Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш	60,0 млн. АҚШ доллари	1,25% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Давлат солиқ қўмитаси
15	Жаҳон банки	Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш (2-фаза)	180,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгарувчан спред	25 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

			20,0 млн. АҚШ доллари	1,25% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	қисқартириш вазирлиги
16	Жаҳон банки	Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш	50,0 млн. АҚШ доллари	1,25% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Давлат статистика қўмитаси
17	КфВ	Вилоят тиббий кўп тармоқли марказларини модернизация қилиш (4-фаза)	10,3 млн. евро	2,0%	30 йил (10 йиллик имтиёзли давр)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
18	КфВ	Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш	45,0 млн. евро	6 ойлик Euribor + 0,6%	12 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
19	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш (2-фаза)	200,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + 1,25%	15 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази
20	Жаҳон банки	Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш (2-фаза)	100,0 млн. АҚШ доллари	1,25% + тўғрилаш ставкаси	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
21	Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш (2-фаза)	100,0 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + ўзгармас спред	30 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
22	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	127 км узунликдаги 500 кВли Саримой (Хоразм вилояти) - Жонкелди (Бухоро вилояти) юқори кучланишли электр узатиш тармоғини қуриш	47,1 млн. АҚШ доллари	6 ойлик SOFR + тўғрилаш ставкаси + 1,0%	18 йил (3 йиллик имтиёзли давр)	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ
23	Осиё тараққиёт банки	Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш	150,0 млн. АҚШ доллари	2,0%	25 йил (5 йиллик имтиёзли давр)	Сув хўжалиги вазирлиги

Давлат ташқи қарзига жами хизмат кўрсатиш харажатлари

млн. АҚШ долл. экв.

	01.01.2021 й. ҳолатига	01.01.2022 й. ҳолатига	01.01.2023 й. ҳолатига
Жами	<u>1 061,5</u>	<u>1 359,6</u>	<u>1 615,7</u>
1 Асосий қарз тўловлари	655,8	927,2	1 033,6
2 Фоиз тўловлари	405,6	432,5	582,1
Жами	<u>1 061,5</u>	<u>1 359,6</u>	<u>1 615,7</u>
1. Корхоналар ҳисобидан	713,1	665,8	978,98
2. Бюджет маблағлари ҳисобидан	348,4	693,8	636,77

**Давлат корхоналари ва банклари томонидан молия бозорларда
жойлаштирилган корпоратив халқаро облигациялар**

№	Эмитент	Миқдори	Муддати	Купон фоизи	Жойлашти риш санаси
1	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	300 млн. АҚШ долл.	5 йил	5,75%	02.12.2019
2	“Ўзмиллийбанк” АЖ	300 млн. АҚШ долл.	5 йил	4,85%	14.10.2020
3	“Ипотека-банк” АТИБ	300 млн. АҚШ долл.	5 йил	5,50%	19.11.2020
4		785 млрд. сўм (~75 млн. АҚШ долл.)	3 йил	16,00%	16.04.2021
5	“ЎзАвто Моторс” АЖ	300 млн. АҚШ долл.	5 йил	4,85%	04.05.2021
6	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	700 млн. АҚШ долл.	7 йил	4,75%	16.11.2021



IMV

IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

Тел.: 203-19-93 (01900)
e-mail: imv@exat.uz
<https://t.me/minecofinuz>